

Иқлим

ЁМҒИР, ЁМҒИР... БАЪЗИ ЖОЙЛАРДА ҚОРГА АЙЛАНАДИ

Бир неча кун кузатилган жуда илиқ ва қуруқ об-ҳаводан сўнг кечадан бошлаб мамлакатимизга Каспий денгизи ҳудудларидан нам ва совуқ ҳаво массалари кириб келди.

Ўзгидромет хабарига кўра, дам олиш кунлари республика бўйича вақти-вақти билан ёмғир ёғади, баъзи жойларда кучли бўлади. 30 ноябрь – 1 декабрь кунларида айрим жойларда ёмғир қорга айланиши мумкин.

Эҳтиётингизни қилинг!



Бонг

«КЎРИНМАС ҚЎЛ» чангалидан ҳушёр бўлайлик!

2024 йил бошидан бугунги кунга қадар Ўзбекистонда газ билан боғлиқ жами 74 та (2023 йилда 86 та) ҳолат содир бўлди, оқибатда 82 киши (88) вафот этди, 80 киши (119) турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Айрим ҳолатларда дудбурон носозлиги оқибатида оиланинг барча аъзолари ис газидан заҳарланиб, вафот этишди.

2024-yil 30-noyabr
shanba

№147
(5055)

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

ҚАЛБНИ ЙЎҚОТИШ маънавий манқуртликдир

“Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача – ўзбек сиёсатшуноси бир-гина шу жумла билан Янги Ўзбекистонга ўзига хос тарзда таъриф берган. Янада аниқ қилиб айтганда, таърифларга сиғмайдиган буюк тарихий воқелик таърифсиз таърифланган.”

>>>3-саҳифада ўқинг...

Президент Шавкат Мирзиёев 29 ноябрь куни Бухоро вилоятида қўшимча имкониятларни юзага чиқариш, инвестиция ва иш ўринларини кўпайтириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказди.

БУХОРОДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИК ВА ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ АСОСИЙ ВАЗИФА БЎЛАДИ



Танқидий руҳда ўтган йиғилишда вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги айтилди. Инвестицияларни ўзлаштириш, камбағаллик ва ишсизликни камайтириш борасидаги ишлар қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди.

ПРЕЗИДЕНТ ТОМОНИДАН «ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИМЗОЛАНДИ.

Қонун темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.



Ушбу Қонун 2025 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Қонуннинг 1–29, 31–57-моддалари ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.



Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган қонун билан

«ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА

давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган

қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

ФАКТ

Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмиталарининг қўшма мажлисида қайд этилдики:

Ўзбекистон йод танқислиги бўйича оғир ҳудуд бўлиб қолмоқда

Хусусан, туз ишлаб чиқарувчи корхоналардан олинган 263 та намунадан 65 тасида (25 фоизида) йод миқдори белгиланган талабга жавоб бермаслиги аниқланган.



Нукус шаҳридаги Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида «Еркин Қарақалпақстан» газетасининг 100 йиллиги ҳамда «Вести Каракалпакстана» газетасининг 105 йиллигига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.


Кенг жамоатчилик иштирок этган маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ўринбосари Рустам Сапарбоев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдусаид Кўчимов ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳар иккала нашрнинг юртимизда кечаётган ислоҳотларни мунтазам равишда кенг жамоатчиликка етказишдаги масъулиятли фаолиятини юксак баҳолади.

Ўтган давр мобайнида газетанинг номи бир неча маротаба ўзгарди. Яъни 1924-30 йиллар «Еркин қарақалпақ», 1930-31 йилларда «Меҳнаткаш қорақалпоқ», «Қызыл Қарақалпақстан», «Совет Қарақалпақстаны» сингари номлар билан фаолият юритди. Айни пайтда «Еркин Қарақалпақстан» номи остида меҳнаткаш, фидойи, жасоратли қорақалпоқ халқининг кечаги, бугунги бунёдкорликларини, келажакка ишончли қадамларини ўз саҳифаларида ёрқин, тезкор ёритишда давом этмоқда.

– Ушбу нашрнинг 100 йиллиги катта тантана билан нишонланаётгани биз ижод аҳлини жуда хурсанд қилди. Мазкур байрам нафақат Қорақалпоғистон, балки Ўзбекистон матбуотининг ҳам катта шодиёнаси эканлигини таъкидлашни истардим. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, ҳукуматнинг журналистларга, жумладан, «Еркин Қарақалпақстан» газетаси жамоасига эътибори таҳсинга лойиқ. Шунингдек, таҳририят ходимларининг меҳнати муносиб қадрланган, юртимиздаги оммавий ахборот воситаларига кўрсатилаётган юксак эътироф белгисидир, – деди Абдусаид Кўчимов.

Тадбирда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиуми қарори билан бир гуруҳ соҳа фидойилари фахрий унвон ва кўкрак нишонлари билан тақдирланди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



Юртдошларимизнинг салмоқли қисми кредитларга, қарзларга, муддатли тўлову «вариант»ларга муккасидан кетмоқда. Эртага нима бўлишининг аҳамияти йўқ, муҳими, ҳозир қарз олиб, истаганига эга бўлса ёки ёниб турган жойни ёпса, бас.

Ўзига хос аксиома бор – тадбиркорлик лаёқати бўлмаган одамга бизнес учун кредитлар, фоизга олинган қарзлар муқаррар инқироз етакчисидир. Ҳатто, ҳалол ҳисобланган ва бугун зўр бериб тарғиб қилинаётган муддатли тўлов ҳам кўпчилик учун темир тушовнинг айнан ўзгинаси.

Бу масала юқори доираларда ҳали тан олингани йўқ. Марказий банк матбуот анжуманида раис Мамаризо Нурмуродов Ўзбекистон аҳолисининг бундай қарзлари бошқа давлатлар билан солиштирганда жуда пастлигини айтганди.

Рақамларда чиндан ҳам шундайдир. Лекин бизникида ўзига хос хавфли жиҳатлар бор:

1. Расмий оз кўрсаткич ҳам шиддат билан кўтарилиб боряпти. Қарз сиртмоғига илинаётганлар йилига икки баробар ошаётган бўлса, ажабмас. Яқинда, расман эълон қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг банклар олдидаги қарзи 40 миллиард доллардан ошгани маълум бўлди. Яна ҳаммасиям расмий статистикага тушавермайди, чунки оғзаки қилинаётган «рассрочка-ю вариантлар» ҳам талайгина;

2. Солиштирилган чет элларда ёки ривожланган давлатларда аҳоли барқарор даромадга эга, олган қарзи ёки муддатли тўлови уни биздаги каби қийин вазиятга солмайди;

3. Хориждаги муддатли тўловли маҳсулотлар нархи ўзгармайди. Яъни 1 миллион сўмлик нарсани ўн ойда 100 мингдан тўлайверасиз, амалда ютқазмайсиз, ҳатто, ютасиз ҳам. Бизда нақдга олиш ва муддатли тўлов ўртасидаги фарқ аждарнинг калласидек.

Аҳолини кредитлаштириш эвазига иқтисодни стимуллаш, балки қисқа муддатли ўсишни кўрсатар. Аммо ботқоқдек тортадиган қарзни узишга келганда жуда кўпчилик депрессияга тушади. Натижалар ҳам аниқ – қашшоқлашув, можаролар, жиноят...

Хўш, зарурат талаб қилиб турса, нима қилмоқ керак?

Аввало, кредит ва муддатли тўловга қадам қўйишдан олдин яхшилаб ўйлаб, айрим саволларга жавоб излаб кўриш лозим: шу харид зарурми, эртага ҳам бугунгидек ёки ундан кўпроқ даромад қила олишингизга ишончингиз комилми, сотиб олинаётган мулк ёки маҳсулот вақт ўтгани сайин қадрини йўқотмайдими? Энг муҳими, тўлай олмай қолганингизда сизни қандай рисклар кутмоқда, уларга тайёрмисиз?

Бу саволларга жавоб бера олмас экансиз, қарз сари қадам қўймаганингиз, борига шукр қилганингиз маъқул. Унутманг, қарз ва кредитлар қанчалик осон берилаётган бўлса, эртага суд ва МИБ ҳам сизни шунчалик осон топади.

Аброр ЗОҲИДОВ
«ISHONCH»

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

«ISHONCH» ВА «ISHONCH-ДОВЕРИЕ» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ УМУМИЙ АУДИТОРИЯСИ ҚАРИЙБ 300 МИНГНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Миннатдорлик



БЕҲАД МАМНУНМАН

Ёшим 35 ёшда. Бўка тумани Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида ҳисобчи бўлиб ишлайман. 2022 йилда дард орттирдим. Мана, икки йилдан ошдики, даво муолажаларини олиб келаман. Мени «Аёллар дафтари»га ҳам киритишди. Келгусида жарроҳлик амалиётини ўташим зарур.

Яқинда менга касаба уюшмаси томонидан санаторийлардан бирига бепул йўлланма ажратилди. Бундан жуда қувондим. Чунки шу пайтгача сиҳатгоҳларга боришга вақтим бўлмас ёки рўзғордан маблағ орттира олмасдим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашига борганимда, менга кенгаш раиси «Кўҳинур» санаторийсига йўлланмани топширди.

Ҳамиша ходимларни қўллаб-қувватлаб келаётган касаба уюшмаларидан беҳад миннатдорман!

Азиза МАМАТОВА
Бўка тумани

ҲАЁТГА ЎЗГАЧА КЎЗ БИЛАН ҚАРАЯПМАН

Ёлғиз онаман. Ногиронлиги бор фарзандим билан яшайман. Олий ўқув юртида шартнома асосида ўқияпман. Ишлаш имкониятим йўқлиги учун шартнома пулларини вақтида тўлай олмадим. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармасига, вилоят ҳокимининг ўринбосарига ва қатор мутасадди ташкилотларга ёрдам сўраб, кўп бора мурожаат қилдим. Лекин натижаси кўринмади. Узоқ вақт сарсон бўлдим. Ҳали у, ҳали бу ташкилотлар эшиги олдида сарғайиб умрим ўтди.

Қабулларнинг бирида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли Ишонч телефонига мурожаат қилишимни айтишгач...

Яхши ният билан сим қоқдим. Ҳеч қанча вақт ўтмай контракт тўловимга 2 миллион сўм ёрдам қилишди. Боз устига, трикотаж фабрикасига ишга йўлланма беришди.

Шундан кейингина ёлғиз эмаслигимни ҳис қилдим. Кўнглим ёришди. Бу ҳаётга ишонч билан қарашга, астойдил тиришиб ишлашимга руҳлантирди.

Аввало, мен каби турмуш ташвишлари гирдобига тушиб қолган ёлғиз оналарга суянч бўлаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича шуғулланаётган мутасаддиларига раҳматларимни билдирмоқчиман. Олис манзилда туриб ҳам, узоқ вақтдан бери ўйлантираётган муаммоларимни ўзлариники каби яқин олишганидан бошим осмонга етди.

Кўнгилларига яқин олиб, ташвишимни аритган инсонлар далдаси туфайли ҳаётимга ўзгача мазмун кирди.

Дурдона МАҲКАМОВА
Жалақудуқ тумани

Мурожаат ва натижа

Давра суҳбати

МУҲИМ МАВЗУДА МУЛОҚОТ

Давлат солиқ қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари Тошкент шаҳар кенгаши томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Унда солиқ идораларининг 300 нафардан зиёд ходимлари қатнашди.





Тадбирда меҳнат муҳофазаси, ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси, меҳнат қонунчилиги соҳасига оид муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари тизимли равишда амалга оширилаётгани, ходимларга меъёрий ҳужжатлар талаблари бўйича йўл-йўриқлар берилгани, зарарли меҳнат шароитларида ишлаётганлар белгиланган меъёрлар бўйича сут, унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, махсус кийим, пойабзал ҳамда бошқа шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан бепул таъминланиши, иш ўринлари шаҳодатдан ўтказилишига оид қатор жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Савол-жавобларга бой тарзда кечган семинарда иштирокчилар бундай давра суҳбатларини мунтазам равишда ўтказиб туриш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Равшан МАҲАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходими

Ички туризм

ТАРИХИЙ ШАҲАРГА САЁҲАТ

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши тасарруфидаги бошланғич касаба уюшма ташкилотларида меҳнат қилаётган 54 нафар ходим учун Хоразм вилояти бўйлаб саёҳат амалга оширилди.

Саёҳатчилар тўрт кун давомида вилоятнинг диққатга сазовор масканлари ва очиқ осмон остидаги музей – Хивани томоша қилдилар.

– Касаба уюшмалари орқали сиҳатгоҳга бориб, саломатлигимизни мустаҳкамлаяпмиз ва яна сўлим гўшаларда дам олиш имкониятига ҳам эга бўляпмиз, – дейди Бағдод тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси ходими Шаҳнозахон Кенжаева. – Мана, бу сафар қадим шаҳар Хивага саёҳатга олиб боришди. Касаба уюшмаларининг кўмаги билан кўрмаган жойларимизни кўриб, бир олам таассуротлар билан қайтдик.

Зоҳиджон ҚОДИРОВ,
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти кенгаши раиси



Учрашув

ПЕДАГОГЛАР ҲУЗУРИДА

Сирдарё туманидаги 7-умумтаълим мактаб ўқитувчиси Муборак Нуралиева тадбирдан хурсанд бўлиб чиқди. Ҳамкасблари уни тинмай табриклар, ҳамма унга ҳавас қиларди. Чунки у «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонини олган эди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раҳбарияти бошланғич ташкилотларда жамоалар билан учрашувлар ўтказмоқда. Шундай мулоқотлардан бири Гулистон шаҳридаги 4-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Унда мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Нодира Мўминова амалга ошираётган ишлари ҳақида гапирди.

– Бу ўқув йилида мактабимизнинг 8 та ходими ва уларнинг яқин қариндошларига санаторийларга, жамоамиз ходимларининг фарзандларига оромгоҳларга йўлланмалар берилди, – деди у. – Спортнинг жуда кўп турлари бўйича шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда мактабимиз етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Жамоамиз аъзолари учун Зомин, Сўқоқ, Хўжамушкент, Чорвоқ каби хушманзара масканларда дам олишлар ташкил этяпмиз. Мақсадимиз касаба уюшмаларига берилган ҳуқуқ ва яратилган имкониятлардан фойдаланиб, барча ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан Бедилов бугунги кунда касаба уюшмалари томонидан олиб борилаётган ишлар ва эришилган ютуқларга батафсил тўхталди.

Учрашув сўнгида таълим соҳасида фидойилик билан меҳнат қилаётган бир гуруҳ педагогларга «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони топширилди.

Фарҳод ТАШТАНОВ,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси



Ташаббус

«Яшил макон»:

АЛОҚАЧИЛАР ҲАМ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт кўчатлари ўтқазилмоқда ва бу ишларда ҳамма бирдек жонбозлик кўрсатмоқда.

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳам тасарруфдаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ҳудудига, махсус ажратилган майдонларга кўчат қадаб, хайрли ва савобли ишларга ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Кенгаш томонидан шу пайтгача 199 минг 240 туп каштан, катальпа, қайрағоч, павлония, терак, чинор, тут, жийда каби манзарали ҳамда олма, олча, ёнғоқ, нок сингари мевали дарахт кўчатлари экилди. Жумладан, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан 81 минг 662 туп, «Ўзбекистон почтаси» АЖ томонидан 45 минг 320 туп, Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2 минг 500 туп, «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» ДУК томонидан 17 минг 91 туп, «Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси» МЧЖ томонидан 26 минг 500 туп мевали ва манзарали кўчатлар қадалди. Бундан ташқари, Орол денгизининг қуриган майдонига 10 минг туп саксовул кўчатлари ўтқазилди. Жойларда 3 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатидан иборат иккита «Алоқачилар» боғи, бугунги кунда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан Бўстонлиқ тумани «Галвасой» МФЙга тегишли 60 гектар ер майдонида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги «Яшил лойиҳа» лойиҳалаш институти ишчи лойиҳасига асосан 32 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари экилиб, «Вазирлик» боғи ташкил этилди.

Амир АҲМЕДОВ

Тадбир

СОҲА ФИДОЙИЛАРИГА ЭҲТИРОМ

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси ташаббуси билан тантанали тадбир ташкил этилди.

Касаба уюшмалари тизимида фаолият юритаётган фидойи ходимларни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган анжуманда Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Отабек Мусаев, Федерациянинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Муҳаммадқосим Олимов, таниқли актёр Убайдулло Омон ҳамда телебошловчи, шоир Муслимбек Йўлдошев йиғилганларни қутлашди.

Тадбир давомида соҳада фаолият юритаётган бир гуруҳ фидойи ходимларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Гўзал мусиқий тароналар йиғилганларга ўзгача завқ бағишлади. Вилоятнинг таниқли рақс ансамбллари, хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчада катта таассурот қолдирди.

Зарнигор САИДЖОНОВА,
Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти бирлашган қўмитаси мутахассиси



Фестиваль

ИҚТИДОРЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида «Баркамол авлод» болалар маркази билан ҳамкорликда «Касаба уюшмаси болалар нигоҳида» шиори остида фестиваль ўтказилди.

Ихтирочи ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда вилоятнинг 22 та туман ва шаҳарларидаги «Баркамол авлод» болалар марказларидан жами 70 нафарга яқин энг иқтидорли тўгарак аъзолари иштирок этишди. Унда болалар ўз қўл меҳнатлари орқали яратган, касаба уюшмаларининг рамзи, фаолияти, аҳамиятини акс эттирувчи кўргазмали ишлар билан қатнашишди.

– Туман ва шаҳарларда жойлашган марказлардаги тўгарак раҳбарлари орқали болаларга касаба уюшмалари, унинг фаолияти, инсонлар ҳаётидаги ўрни ва унинг барчани бирликка чақирадиган ташкилот эканлигини мунтазам равишда ўргатиб борамиз, – дейди вилоят «Баркамол авлод» болалар маркази касаба уюшма қўмитаси раиси Зиёда Муродова. – Бу болаларда ҳозирданоқ ушбу ташкилот ҳақида етарлича тушунчалар шаклланиши, келгуси ўқиш ва меҳнат фаолиятларида ҳам муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.



Тадбир сўнгида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгаши, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман ва шаҳар кенгашлари томонидан бошланғич ташкилот раислари, тўгарак раҳбарлари ва болалар эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

Равшаной ГАЗИЕВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Қалбни йўқотиш маънавий манқуртликдир



Акмал САИДОВ,
академик

Германиялик таниқли сиёсий шарҳловчи, «Berliner Zeitung» нашри Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг ўзбекистонлик машҳур сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан «Ishonch» газетасининг 2024 йил 18 ноябрь сонида чоп этилган суҳбатини ўқидим. Жуда жиддий ва нуфузли журналнинг сиёсий шарҳловчиси билан ўта муҳим мулоқот бўлибди. Суҳбатнинг мавзуси ҳам ниҳоятда салмоқли ва мазмуни беҳад қизиқарли. Янада муҳими, суҳбат Янги Ўзбекистон жамияти ва давлати, шу азиз Ватанда яшаётган ҳар бир инсоннинг ҳаётига тўғридан-тўғри дахлдор, таъбир жоиз бўлса, ҳар биримизнинг жон-жонимизга боғланган тақдируламал масалалар таҳлилига бағишланган.

ИНТЕРВЬЮНИНГ НОМИ ХУСУСИДА

Таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг германиялик машҳур сиёсий шарҳловчига берган интервьюсини оммабоп ва ҳаммага тушунарли тилда тайёрланган қизиқарли илмий-публицистик чиқиш, деб баҳолаш мумкин. Бу баҳони тасдиқлайдиган ўзига хос мезонлар бор, албатта.

Хусусан, интервьюнинг сарлавҳасиёқ ғоят ўзига хос. Яъни: «Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача: йўқотилган қалбни излаб...». **Айни сарлавҳани ўқиганимда машҳур ўзбек шоири** Садриддин Салим Бухорий **(1946-2010) қаламига мансуб «Бухорога Бухоро келди», деган мисра ёдимга тушди.**

Мустақиллик туфайли орзу-армонлари ушалганидан, жумладан, шўролар даври қатағони сабаб ташландиқ аҳволга келиб қолган улуғ алломалар юрти Бухоронинг тарихий ёдгорликлари ҳам яна муносиб қадр топганидан беҳад қувонган ушбу шоир ва аллома 1999 йилда **«Бухорога Бухоро келди»** шеърлар туркумини нашр эттирганди. Ўша китобдан эл орасида донг қозонган мана бу мисралар ҳам жой олган:

Бухорога нур-зиё келди,
Имон келди, шарм-ҳаё келди.
Бухорони зулмат этди тарк,
Бухорога Бухоро келди...

Шоирликка ҳеч қандай даъвомиз йўқ. Аммо оқил сиёсатчи ва ҳассос шоирлар рағбат берганида, камина ҳам жим қараб туролмади. Ушбу мисраларни шу рағбатнинг ҳосиласи сифатида қабул қилгайсиз:

Довон ортда қолиб, довон келмоқда;
руҳга руҳ қўшгувчи замон келмоқда.
Янги марраларга янги куч бериб,
Янги Ўзбекистон равон келмоқда!

Айтмоқчимизки, Қудратилла Рафиқов интервьюсининг ҳатто номланишига ҳам чуқур адабий-бадиий моҳият ва ниҳоятда ўзбекона руҳ сингдирилган.

Яъни Ўзбекистондан «Янги Ўзбекистон»гача **– ўзбек сиёсатшуноси биргина шу жумла билан Янги Ўзбекистонга ўзига хос тарзда таъриф берган. Янада аниқ қилиб айтганда,** таърифларга сиғмайдиган буюк тарихий воқелик таърифсиз таърифланган.

Журналист интервью сўнгида шундай дейди: «Айниқса, менга «Йўқотилган қалб» ҳақидаги изоҳингиз жуда ёқди». **Германиялик сиёсий шарҳловчининг бундай эътирофи атоқли қирғиз адиби** Чингиз Айтматов**нинг ҳаётий фалсафаси билан йўғрилган** «манқурт назарияси»**ни эсга солади. Ҳақиқатан ҳам,** «Қалбни йўқотиш – маънавий манқуртликдир!».

Шу ҳақда ўйлар эканман, интервью сарлавҳасининг ўзи ҳам наинки миллий руҳ, балки умуминсоний мазмун-моҳият касб этади, деган фикр ўтди хаёлимдан.

ЯНГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ДОҒДА ҚОЛГАН ҒАРБ СИЁСАТШУНОСЛАРИ

Интервью матни таҳлилига ўтсак: журналист атиги 8 та савол берган бўлса-да, саволлар мазмунан турлича ва уларнинг ҳар бири жуда кенг мавзуларни қамрайди. Саволлар, бир томондан, ҳам аниқ, ҳам сиёсий долзарб, Ғарб ўқувчисини ўйлантирадиган мазмунда бўлса, иккинчи томондан, худди шу жиҳатлари билан ўзбек сиёсатшуносига муносиб жавоблар қайтариш учун илҳом ҳамда жўшқинлик бахш этган, назаримизда.

Суҳбатнинг ўқ илдизини Янги Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳамда бугуни ва келажаги ҳақидаги ўй-мулоҳазалар ташкил этади. Бу борадаги фикрлар Марказий Осиё минтақасида кечаётган тарихий-сиёсий жараёнлар билан узвий боғлиқликда талқин этилган.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, Қудратилла Рафиқов ўз жавобларида тарихий-қиёсий метод (услуб) асосида, яъни **«Ким эдик, ким бўлдик, ким туфайли?»** деган мантиқий силсилага таянади. Илмий аниқ, бадиий равон ва дадил тафаккур билан сўзлайди. Ўзбек сиёсатшуноси Ғарбнинг номи дунёга таниқли 2 нафар муаллифини тилга олган ва уларнинг шов-шувли китобларини таҳлил этган.

Булардан бири – америкалик олим, АҚШнинг Колумбия университети профессори **Эдвард Вади Саид** бўлиб, унинг **«Ориентализм»** номли китоби жуда машҳур. Иккинчиси – АҚШ Президентининг Миллий хавфсизлик бўйича собиқ маслаҳатчиси **Збигнев Бжезинский** ва унинг **«Буюк шахмат тахтаси»** асаридир.

Аввало, **«ориентализм»** атамасига аниқлик киритиб олайлик. Ушбу тушунча Ғарб дунёсининг Шарқ ҳақидаги илмий изланишлари ва уйдирмаларга асосланган фаразларининг мужассамини англатади. Илмий нуқтаи назардан, ориентализм – Шарқ тиллари, маданияти ва тарихига оид тадқиқотлар мажмуини ўзида қамраса-да, айни вақтда, мазкур йўналиш шарқона жамиятлар ҳақида нотўғри тушунча ва тасаввурлар тўқиб-тарқатилишини танқид қилади.

Шу маънода, **Эдвард Вади Саид**нинг 1978 йили нашрдан чиққан **«Ориентализм»** китобида Ғарб томонидан Шарқ илм-фани, санъати ва сиёсатига оид нотўғри қарашлар, таъбир жоиз бўлса, «Шарқнинг беўхшов қиёфаси» қай тарзда уйдирмалаштирилгани хусусида сўз боргани билан аҳамиятлидир.

Э.Саиднинг фикрича, ориентализм гўёки «экзотик» ва «иррационал» Шарқ қиёфасини «рационал» ва «ривожланган» Ғарб тимсолига қарши қўйишга интилган колониализм сиёсатининг мафкуравий қуроли бўлган. Ўз навбатида, постколониализм даврида Э.Саиднинг китоби бундай номақбул ёндашувни танқид қилувчилар учун асос бўлиб хизмат қилди.

Бу ўринда Қудратилла Рафиқовнинг мана бу кинояли бўлса-да, илмий жиҳатдан тўғри фикрлари диққатга молик: **«Ориентализм талабларига кўра, Шарқ ўзи ҳақида ўзи гапира олмайди, ўзини ўзи танита олмайди, тақдим эта олмайди, балки бошқаларнинг ўзи ҳақида гапиришларига, тақдимига, демак, Европа фани кўмагига муҳтож».**

Ўзбек сиёсатшуноси айни мавзудаги мулоҳазаларини Ғарбнинг Марказий Осиё минтақасига ёндашувининг танқидий-таҳлилий талқини мисолида изчил давом эттиради. Қ.Рафиқов қайд этганидек, **«ўлкамиз бир ярим аср давомида икки бор мустамлакачиликни бошидан кечирди... Қолаверса, бугунгача бизнинг номимиздан ҳам гапирдилар, кимлардир бизни атрофга таништирди. Биз ҳам узоқ йиллар ҳукмрон кучлар олдида «чурқ этмай ўтирувчи» «ўзга»га айландиқ...».**

Ўз навбатида, интервьюда америкалик сиёсатшунос **З.Бжезинский**нинг асари ҳам таҳлилга тортилган. Бу китоб номида тилга олинган **«шахмат тахтаси»** ибораси нимани англатади?

Марказий Осиё минтақаси, З.Бжезинскийнинг таърифича, шахмат тахтасига ўхшайди. Бу тахтада, оқ ва қора томонлар, яъни дўст ва ғаним кучлар бор. Тахтаdаги «шоҳ»лардан тортиб, «пиёда»ларгача барча «дона»лар «ўйин»га жалб этилган.

Бунда «шоҳ»лар – кучли давлатлар, албатта, «пиёда»ларни, яъни минтақамизда 1991 йилдан эътиборан мустақиллигини эълон қилган навқирон давлатларни енгади. Шу тариқа гўёки муаззам Шарқнинг қадимий Моваройуннаҳр аталмиш ҳудудида батамом Ғарб ҳукмронлиги ўрнатилади.

Кези келганда, илк бор З.Бжезинский томонидан илгари сурилган **«Евроосиё Болқонлари» деган назария** ҳам атрофлича баҳс-мунозараларга туртки берганини айтмасак бўлмас. Бу назарияга кўра, Марказий Осиё стратегик аҳамиятга эга минтақа ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, кучли давлатлар рақобати марказида ҳамда уларнинг таъсир доирасида тургани учун минтақамиз гўёки келгусида тараққий этмайди ва беқарору омонат бўлиб қолаверади. Ҳатто, Марказий Осиё Европанинг Болқон минтақаси каби турли сиёсий ва этник можаролар домида қолиб кетиши тайин эмиш.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қудратилла Рафиқов Ғарб сиёсатшуносларининг мазкур асарларига илмий асосланган баҳо тарзидаги ўз қатъий, асосли ва холис муносабатини билдирганидан мамнунмиз. Айниқса, ўзбек сиёсатшуносининг **«Мен жаноб З.Бжезинскийнинг башоратлари оқланмади, деб бемалол айта оламан»,** деган дадил фикри ҳар қанча эътирофга арзийди.

Хўш, жаноб Бжезинскийнинг башоратлари нега пуч бўлиб чиқди? Чунки минтақамиздаги мамлакатлар ички барқарорлик ва тинчлик-осойишталикни таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунингдек, минтақа давлатлари кўп векторли ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Бундай оқилона ёндашув, бир томондан, бугунги мураккаб ва тез ўзгараётган дунёда минтақамизда истиқомат қилаётган ҳар бир инсон ва барча халқларнинг фаровонлигини таъминламоқда. Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатларининг икки томонлама, минтақавий ва халқаро даражалардаги ўзаро яқин ҳамкорлиги минтақамиз тинчлиги, барқарорлиги ҳамда тараққиётига хизмат қилмоқда.

Шу ўринда бир амалий таклиф: бундан бир неча йиллар олдин ЮНЕСКО томонидан нашр этилган 6 жилдли «Марказий Осиё тамаддунлари тарихи» китоби ҳудудимизнинг бой тамаддунлари тарихини ўрганишга бағишланган. Уни тайёрлашда ўзбек олимлари иштирок этган.

Президентимиз мазкур китоблар туркумини ўзбек тилига таржима қилиш ташаббусини илгари сургандилар. Масъул ташкилотлар ушбу 6 жилдликни таржима қилиш ва нашр этишни энди ортга сурмасликлари керак, деб ҳисоблаймиз.

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» АСОСЧИСИ, МЕЪМОРИ ВА БУНЁДКОРИ

Журналистнинг **«Жамиятда ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ажабтовур эпитет – «Янги Ўзбекистон» калимасининг пайдо бўлишига сабаб нима?»,** деган саволига Қудратилла Рафиқов батафсил тўхталиб:

биринчидан, тарихий фактларга асосланган ҳолда;

иккинчидан, илмий ёндашув негизида;

учинчидан, 30 йиллик тарихий жараёнларнинг бевосита иштирокчиси сифатида холис ҳамда муносиб жавоб қайтарган.

Бу жавобнинг ўқ илдизини **«Янги Ўзбекистон» ва унинг асосчиси, меъмори ҳамда бунёдкори – Президент Шавкат Мирзиёев,** деган ҳаққоний хулоса ташкил этади. Бинобарин, ушбу атама айнан Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон раҳбари сифатида фаолият бошлаган даврдан эътиборан кун тартибига чиқди.

Содда қилиб айтганда, **«Янги Ўзбекистон» – бу мамлакатни янгилаш ва ислоҳ этиш концепциясидир.** Бунда иқтисодий тараққиётни таъминлаш, демократлаштириш ва фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келганида – Ўзбекистон ва Марказий Осиёда вазият қандай эди?

Ўзбекистоннинг янги Президентига қандай мерос қолди?

Янги раҳбарнинг ички ва ташқи сиёсатга доир илк қадамлари қандай бўлди?

Ўтган саккиз йиллик сиёсати туфайли Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда қандай натижаларга эришди?

Қудратилла Рафиқов шу каби тақдирулламал саволларга жавоб берар экан, тарихий-қиёсий услубга мурожаат қилган ҳолда, Янги Ўзбекистонни ички ва ташқи дунёга танитган ўзига хос бир қатор ютуқларни эътироф этгани жуда муҳим. Асосийси, ўзбек сиёсатшуноси хорижий журналистнинг **«Янги Ўзбекистон» атамаси қаердан пайдо бўлди,** деган мазмундаги саволига шундай жавоб қилган:

«Дарҳақиқат, бунга ҳам маънавий, ҳам сиёсий нуқтаи назардан эҳтиёж бор эди. Чунки одамлар ҳам, давлат ҳам энди бу йўсин яшаб бўлмаслигини теран англаётганди. Янги Ўзбекистон сифатловчиси эса шу йўлда сафарбарлик ёки истиқболдаги янгиланишларга даъват – ишорадек кун тартибига чиқди».

ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ СИЁСИЙ ПУБЛИЦИСТИКАСИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Ростини айтсам, шу вақтгача бундай таъсирчан, қамровдор ва ҳаққоний интервьюни ўқимаган эдим. Суҳбатда таниқли сиёсатшунос, сенатор, жамоат арбоби Қудратилла Рафиқовнинг юксак сиёсий салоҳияти, хусусан, Янги Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилиши соҳаси билан боғлиқ ўзгаришлардан тўла хабардорлиги яққол намоён бўлган.

Бу бежиз эмас. Чунки Қудратилла ака сўнгги 8 йилда Ўзбекистон, Марказий Осиё минтақаси, МДҲ макони ва бутун жаҳон саҳнида юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалардан нафақат хабардор бўлиб, айни вақтда ана шу воқеликларга ўз муносабатини билдириб келмоқда.

Муҳими, ҳассос ўзбек сиёсатшуноси таъбири билан айтганда, ушбу изчил ва кўламдор янгиланишлар асносида **Инсон ва Қадр, Истиқлол ва Ватан** каби ўзак тушунчаларнинг асл моҳиятини қайтадан англадик. Янада муҳими, **«Янги Ўзбекистон», «Учинчи Ренессанс», «Халқпарвар давлат», «Адолатли жамият»** деган истилоҳлар нафақат онг-шууримиздан, балки ҳаётимиздан чуқур жой ола бошлади.

Бунинг тасдиғи сифатида, аввало, Қудратилла Рафиқовнинг қаламига мансуб **«Илк ва сўнгги сўзимиз: Ватан», «Ватан ва Миллат қайғуси», «Менинг Президентим!»** номли китобларни тилга олиш ўринли, деб ҳисоблайман. Камина ушбу китоблар таҳлили ва талқинига бағишланган **«Янги Ўзбекистон симфонияси»** рисоласини чоп эттирган бўлиб, айни нашрнинг дастлабки саҳифаларида мана бундай сатрлар қайд этилган:

«Миллат Сардори илгари сурган ушбу янги ҳамда миллатимиз, халқимиз ва Ватанимиз истиқболига бевосита дахлдор тушунчаларнинг амалий моҳиятини очиб беришда юртимиз ишчи-хизматчилари – меҳнатда эришаётган самаралари, муаллимлар – сифатли сабоқлари, олимлар – илмий натижалари, шоиру ёзувчилар – ёниқ асарлари, сиёсатчилар – даъваткор ғоялари билан салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Бу қизғин жараёнда таниқли сиёсатшунос, давлат ва жамоат арбоби, сенатор, қисқача айтганда, миллатни улғайтираётган бедор инсонлардан бири Қудратилла Рафиқовнинг амалий ва публицистик фаолияти алоҳида эътиборга сазовор».

Кейинги даврда Қудратилла аканинг сиёсий ижод билан боғлиқ фаолиятида янги марралар забт этилди. Бу ўринда ўзбек сиёсатшуносининг 2023 йилда нашрдан чиққан **«Миллатпарвар»** номли навбатдаги китоби ҳақида сўз бормоқда. Ушбу китобларнинг айримлари ҳатто хорижий мамлакатлар тилларида, масалан, Бокуда озар тилида ҳам нашр этилди.

Бу китоблар туркуми, таъбир жоиз бўлса, муаллифнинг маънавият жамланган олтин сандиқлари нафақат миллатимиз зиё аҳли, балки жаҳон афкор оммасининг ҳам эътиборига тушганлиги бежиз эмас. Чунки сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг китобларида кейинги саккиз йил давомида бутун дунё бемисл қизиқиш ва ҳавас билан кузатаётган Янги Ўзбекистондаги юксалиш одимлари ҳамда Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқимизга, миллатимизга кўрсатаётган мислсиз меҳрибонликлари ва ғамхўрликлари, энг муҳими, ишончли Лидерлик салоҳияти ҳаётий далиллар ва аниқ мисоллар асосида талқин этилган.

Энг муҳими, Қудратилла Рафиқов ўз нуқтаи назарини китоб ва газеталардаги ҳаммага маълум ҳамда бир қадар расмий ахборотларга таяниб эмас, балки яқин ва узоқ ўтмишни теран таҳлил этиш асносида баён қилади. Тарихий жараёнларга очиқ кўз билан қараб, илмий-публицистик нуқтаи назардан тийрак ёндашади.

Қудратилла Рафиқов сиёсий публицистикасининг ўзига хос хусусияти шундаки, аввало, у тушунарли ва содда тилда ёзади. Шу билан бирга, илмийлик, тарихийлик, кучли мантиқий асосланганлик, мавзуга оид тарихий ва илмий манбалардан хабардорлик фазилатлари ҳам Қудратилла аканинг ижодий услубига «узукка кўздек» ярашиқли жиҳатлардир.

Шарҳ

ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ТАЪТИЛЛАР

ЁХУД ХМТНИНГ 132-СОНЛИ КОНВЕНЦИЯСИ РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНИШИ ИШЧИ-ХОДИМЛАРГА ҚАНДАЙ КАФОЛАТЛАР ТАҚДИМ ЭТМОҚДА?

Президент томонидан шу йил 7 ноябрь куни имзоланган қонун билан Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сонли конвенцияси (1970 йилда қайта кўриб чиқилган) ратификация қилинди. Ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан шу йилнинг 27 августида қабул қилиниб, Сенат 24 октябрда маъқуллаганди.

Шу кунга қадар 38 та давлат томонидан ратификация қилинган мазкур конвенцияда меҳнат муносабатларида ходимларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ, шу жумладан, дам олиш ва ҳақ тўланадиган таътиллардан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш чораларини янада кучайтириш каби масалалар назарда тутилган.

Конвенция барча соҳаларда ишлайдиган ходимларга дам олиш ва ишлаш қобилиятини қайта тиклаш учун иш ўрни (лавозими) ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган ҳолда ҳар иш йили учун бериладиган таътилларни таъминлашга замин яратади. Шунингдек, ушбу ҳужжатда бир қатор ҳуқуқлар халқаро даражадаги нормалар билан мустаҳкамланди. Масалан, мазкур конвенциянинг 5-моддасида назарда тутилган норма, яъни ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилига чиқиш учун минимал хизмат муддати талаб қилиниши, бундай муддат олти ойдан ошмаслиги кераклиги белгиланган. Тўғри, бу муддат амалдаги Меҳнат кодексининг 227-моддасида ҳам қайд этилган (биринчи иш йили учун ҳар йилги меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи ходимда у ушбу иш берувчида узлуксиз ишлаган олти ой ўтганидан кейин юзага келади. Меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига кўра, ходимга ишлаган олти ой ўтгунига қадар ҳам меҳнат таътили берилиши мумкин). Бундан ташқари, конвенцияда келтирилган бир қатор нормалар, хусусан, оммавий байрам кунлари меҳнат таътилларининг давомийлигини белгилашда ҳисобга олинмаслиги (конвенциянинг 6-моддаси), таътил ҳеч қандай ҳолатда бир йиллик хизмат учун уч иш ҳафтасидан кам бўлмаслиги кераклиги (конвенциянинг 3-моддаси), талаб этиладиган минимал иш муддатини тугатган ходим ишлаб берган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланадиган таътил олиши ҳам амалдаги қонунчилигимизда акс этган ҳисобланади.

Албатта, миллий қонунчилик аллақачон конвенция меъёрларининг айрим жиҳатларини қамраб олган бўлиши мумкин, аммо уни ратификация қилиш мамлакатнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлайди, ички қонунчилик базасини мустаҳкамлайди ва тегишли масалалар бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиради.

Хулоса қилганда, мазкур конвенциянинг қабул қилиниши келгусида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда Ўзбекистоннинг ижобий имижини янада юксалтиришга ҳамда халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини юқори поғоналарга кўтаришга имкон яратади. Шунингдек, барча соҳаларда ишловчи ходимларнинг дам олиш ва ҳақ тўланадиган таътиллардан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича халқаро стандартларни амалиётга самарали жорий этишга хизмат қилади.

Жалолиддин АБДУСАТАРОВ,
Қибрай тумани адлия бўлими ЮХКМ бош юрисконсульти

KO‘ZGU

2024-YIL 30-NOYABR
SHANBA
№ 147 (5055)

Жасорат

МАШҲУР НУТҚ ТАРИХИГА БИР ЧИЗГИ



ТАЛАБАЛИК ЧОҒЛАРИМИЗДА ДОМЛАЛАРИМИЗДАН АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДАГИ БИР ЙИҒИЛИШДА УЮШМАНИНГ МИЛЬЧАКОВ ДЕГАН ПАРТКОМ КОТИБИНИ ҚАТТИҚ ТАНҚИД ҚИЛИБ, УНИ «ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЖАЛЛОДИ» ДЕБ АТАГАНИНИ ЭШИТГАНДИК. ТАБИИЙКИ, УЛАРНИНГ ҲАМ КЎПИ БУ МАЖЛИСДА ҚАТНАШМАГАН, ОРҚАВАРОТДАН ҚУЛОҚЛАРИГА ЧАЛИНГАН. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ МАШҲУР БУ НУТҚ ТЎҒРИСИДА ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ДОМЛА БАТАФСИЛ БИР МАҚОЛА ЁЗГАНИГА ҚАДАР БИЛГАНИМИЗ АНА ШУНДАН НАРИГА ЎТМАГАН.

2007 йилнинг куз кунларидан бирида Тил ва адабиёт институтининг собиқ илмий ходимлари Муҳаббат Исроилова, Ёзил Ҳамроев, Ровияжон Абдуллаева билан мен кекса олим, ёзувчи, профессор Жумониёз Шариповнинг хонадонига бориб, у кишини зиёрат қилган эдик. Ўша кунлари тўқсон олти ёшни қоралаган Жумониёз ота бизни жуда хушҳол кутиб олди. Суҳбатлашиб ўтириб, қоронғи тушганини ҳам пайқамай қолибмиз. Домланинг хотираси шу ёшида ҳам ниҳоятда ўткир экан – бирон олтмиш-етмиш йил илгари бўлиб ўтган воқеаларни худди тунов куни бўлиб ўтган гапдай, бирон деталини унутмасдан ҳикоя қилиб берган эди.

Хуллас, ўша суҳбатда гап айланиб, Абдулла Қаҳҳор номи тилга тушди. 1949 йил бўлиб ўтган бир можарони сўзлаб берди Жумониёз Шарипов.

– Мен ўшанда Ёзувчилар уюшмаси бошқарувида масъул котиб бўлиб ишлардим, Ойбек домлага ўринбосар эдим, – деди Жумониёз ота. – Бир куни Абдулла Қаҳҳор келиб, мендан партияга ўтиш масаласида кенгаш беришни сўради. У киши 1939 йилда ариза берган экан, аммо ўн йилдирки, аъзоликка ўта олмай, ҳануз «партия аъзолигига кандидат» ҳолича юрган экан. Энди, ўзингиз яхши биласиз, у замонда Абдулла Қаҳҳордай таниқли ёзувчи уёқда турсин, оддий бир зиёли киши ҳам партияга аъзо бўлмаслиги мумкин эмасди, ундай кишига худди сиёсий душман каби муомала қилинар эди, ёзувчи бўлса-ку, турган гап, ҳатто ёзган асарининг тезроқ босилиб чиқиши ҳам партияга қачон ўтганига боғлиқ бўлар эди. Шунинг учун Абдулла ака ҳам ариза берган экан. Мен унга қадар Марказқўмда бўлим мудири бўлиб ишлаганим учун бу соҳада тажрибам бор эди. Абдулла акага Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилотига ариза ёзиши ва учта партия аъзосидан тавсиянома олиши лозимлигини айтдим. Ўзим ҳам тавсиянома ёзиб беришга тайёрлигимни билдирдим.

– Хўп, яна кимлардан тавсия олсам экан? – деб сўради Абдулла Қаҳҳор.

– Зиннат Фатхуллин бериши мумкин, яна... яқинда Марказқўмга инструктор бўлиб ўтган ёзувчимиз Ойдин опа Собирова бор, у ҳам ёзиб беради, бунинг устига аёл коммунист... – деб ўзимча йўл кўрсатган бўлдим.

Зиннат Фатхуллин анча эҳтиёткор киши эди, Абдулла Қаҳҳордан уни яна кимлар тавсия қилаётганини сўрабди, менинг тавсияномамни кўриб, сўнг ўзи ҳам ёзиб берибди. Ойдин опа эса бу икки тавсия билан танишиб чиққач, учинчи бўлиб тавсиянома берибди. Хуллас, иш пишди ҳисоби.

Ёзувчилар уюшмаси партбюросининг галдаги йиғилишида Абдулла Қаҳҳорнинг аризаси кўриб чиқилди. Бояги тавсияномалар ҳам инобатга олинди, номзодни аъзоликка ўтказиш масаласида Тошкент шаҳар Марказий район партия ташкилотига мурожаат қилинадиган бўлди (партия аъзолигига район партия қўмитаси қабул қилар, Уюшмамиз шу районга қарарди). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси партия ташкилоти котиби Владимир Мильчаков бу йиғилишда чурқ этиб оғиз очмади.

Бирон ойдан сўнг Марказий район партия комитетининг сайёр йиғилиши Ёзувчилар уюшмасида ўтадиган бўлди. Абдулла Қаҳҳор аризаси шу йиғилишнинг кун тартибида бор эди. Мажлис бошланди, бирмунча вақт одатдагидай, «галдаги вазифалар» юзасидан тумтароқ мулоҳазалар билдирилди, сўнг Абдулла Қаҳҳорнинг аризаси ўқиб эшиттирилгач, унинг номзодини маъқуллаб Зиннат Фатҳуллин, Ойдин Собирова ва Жумониёз Шарипов тавсия берганимиз айтилди. Масала деярли ҳал бўлай деб қолган, бюро аъзолари қўл кўтариб, адибни партия аъзолигига лойиқ деб топадиган бир паллада Владимир Мильчаков сўз сўраб, бюро аъзоларига саволим бор эди, деб қолди. Район партия қўмитасининг биринчи котиби жилмайган кўйи, «Марҳамат, Владимир Андреевич, қандай саволингиз бор?» деб далда берди.

– Саволим шу, – деди бир савол учун минбарга чиқиб олган Мильчаков. – Тинч совет даврида кўчада ўқотар қурол кўтариб юриб милицияга тушган ёки сиёсий хатоси учун қамалган бир одам бугун партиямиз сафларидан ўрин олиши мумкинми?

– Мумкин эмас, партиямиз сафлари тоза сақланиши керак, – деди район партия комитети котиби. – Аммо бу гапларни ёзувчи ўртоқ Абдулла Қаҳҳор ҳақида айтаётган бўлсангиз, далил-исбот билан гапиришингиз керак бўлади. Хўш, қандай далилларингиз бор?

– Далилларми, мана улар! – деди Мильчаков икки варақ қоғозни баланд кўтариб. – Мана, Абдулла Қаҳҳоров наган кўтариб юргани учун милиция томонидан ушлангани ҳақидаги тузилган протокол нусхаси. Буниси эса турмада ётиб чиққани ҳақидаги ҳужжатнинг тасдиқланган копияси. Умуман, бу одамнинг бошқа сиёсий хатолари ҳам йўқ эмас...

Ҳамма донг қотиб қолди. Айрим ёзувчилар қўрққанидан ранги оқариб, серрайиб туришар эди.

– Мен бу гаплардан бехабарман, улар мендан яширилган, шунинг учун берган тавсияномамни қайтариб оламан, – деди ҳаяжондан қалтираб Ойдин опа.

– Мен ҳам бу одамни яхши билмас эканман, тавсияномамдан воз кечаман, – деб Зиннат Фатхуллин ҳам сиёсий ҳушёрлик кўрсатди.

Навбат менга келди. Икки ўт орасида қолдим. Буёқда – сиёсатнинг зўри, уёқда – яқинда мендан маслаҳат сўраб келган катта ёзувчи.

– Нима ҳам дейман, мен билган Абдулла Қаҳҳор бундай одам эмас, бу гапларни текшириб кўриш керак, – дедим. – Тавсияномамга келсак, аввалги икки тавсияномa йўққа чиқди, уставга кўра, битта тавсиянинг фойдаси йўқ.

Мажлис тугади. Энг ёмони – йиғилишда қатнашган ёзувчиларнинг кўпи қўрққанидан, Абдулла Қаҳҳор тугул, ҳатто бир-бири билан ҳам хайрлашмасдан, уй-уйига ғизиллаб кетиб қолишди. Орадан бир неча кун ўтиб, Абдулла ака бояги гапларнинг тарихини айтиб берди.

Ёзувчининг отаси йигирманчи йилларда босмачиларга қарши курашган қўшин сафида бўлган, табиийки, доимо ёнида қурол олиб юрган. Иссиқ ёз кунларининг бирида уйига келиб, салқин уйда белидаги наганини ёнига олиб қўйиб, ухлаб қолибди. Ўша даврда ўн икки-ўн уч ёшли ўспирин Абдулла ўртоқларига мақтангиси келиб, отасига сездирмай наганни олиб кўчага чиқса, бир милиционер ўтиб кетаётган экан. Дарров ушлаб, идорага олиб борибди, протокол тузиб, кейин Абдуқаҳҳор акани чақиртиришибди. У кишидан тушунтириш хати олиб, қўйиб юборишибди. Ўша протокол ўтда ёнмай, сувда чўкмай, аллақайси гўрда ётган экан, Мильчаковга топиб беришибди.

Ёзувчининг турмада ётгани эса бор гап бўлиб, у «Янги Фарғона» газетасида масъул котиб бўлиб ишлаган пайтида аллакимнинг мақоласидан сиёсий хато топилган экан. Ўшанда муаллиф бир ёқда қолиб кетиб, «Масъул котиб қаёққа қараган?» дея айб қўйишиб, бир ой авахта қилишган экан.

– Абдулла ака, нимага ўша куни шу гапларни айтмадингиз, ахир, бўйнингизга қўйилган айблар кулгили экан-ку? – деб сўрадик.

– Билмадим, бу ишлар ўзимнинг ҳам эсимдан чиқиб кетувди, бунинг устига, биров қуруқ туҳмат юкласа, одам карахт бўлиб қолар экан...

Кекса адиб Жумониёз Шарипов бу гапларни ой-кун, кишиларнинг исм-фамилияси, идораларнинг номларини аниқ айтиб ҳикоя қилиб берган эди. Афсуски, мен буларнинг анчасини ёддан чиқарибман. Аммо ўша куни, домланинг уйида, дастурхон устидаги ҳамкасб олимлар – домланинг шогирдлари кўз ўнгида бундан атиги ярим аср аввал бўлиб ўтган воқеаларнинг бутун даҳшати, қўрқинчи, саросимаси намоён эди.

Албатта, Абдулла Қаҳҳор ўз ҳаётига оид бу туҳмат ва уни уюштирган Владимир Мильчаковни унутиб юбориши мумкин эмас эди. Ёзувчи фурсат кутди. 1956 йилнинг 6-7 июль кунлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг III Пленуми бўлди. Ўша пленумда Абдулла Қаҳҳор Мильчаков билан орани очиқ қилиб, уни «ўзбек адабиётининг жаллоди» деди. Ўша пайтда барча йиғилишлар рус тилида бўлиб ўтар, бу нутқда Абдулла Қаҳҳор уни «Палач узбекской литературы» деб атаган.

Турган гап, Мильчаков бундай оғир айб қаршисида шайтонлаб қолган, аммо ундан ҳам аввал Марказқўмнинг идеология котиби бўлган Зоя Раҳимбоева сингари «партиянинг солдати» бўлган опахонлар «улуғ оғамиз» вакили бўлган ёзувчи ўртоққа тақилган бу «ёрлиқ» юзасидан бирон ҳафтага қолиб-қолмай, ЦКда комиссия тузиб, унинг якунида Абдулла Қаҳҳорни чақириб, Мильчаковдан узр сўрашини, «палач» деган сўзини қайтариб олишни талаб қилишган экан.

Озод Шарафиддинов домла Мильчаковга нима учун айнан Абдулла Қаҳҳор ташлангани сабаби дея Мильчаков ёзувчи Миркарим Осим ва яна бошқа кўплаб адибларни ков-ков қилиб, кун бермаганини келтиради. Булар ҳам тўғри, аммо Жумониёз Шарипов домланинг эсдаликлари (бу воқеаларни Озод Шарафиддинов эшитмаган бўлса керак) уни тўлдиради. Чунки, аввало, Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи Мильчаковдан жабр кўрган эди, айни шу омил уни яна ҳам қаҳрлантирган бўлиши турган гап.

Хуллас, Жумониёз Шарипов домланинг айтишича, ЦКда «палач» деган сўзни қайтариб олинг, узр сўранг, деган амр бўлибди. Абдулла Қаҳҳор эса жуда усталик билан, «ҳа, тўғри, мен қизишиб кетиб, сўз танлашда янглишибман шекилли, барибир она тилим ўзбек тили-да, бунақа хатоларни тўғри тушунарсизлар, деб умид қиламан, мен Мильчаковни «жаллод» (палач) демоқчи эмас эдим, уни қайтариб оламан, «людоед» (одамхўр) дейишим керак эди, бу сўз энди эсимга келди, деб жойига ўтирибди. Кейинги таъриф аввалгисидан баттар эди, аммо расман ёзувчи узр сўраб, «палач» деган баҳосини қайтариб олганди...

Абдулла Қаҳҳор шунақа уста дипломат одам ҳам бўлган эди.

Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ,
адабиётшунос



Қарор ва ижро

«ЎЗБЕКИСТОН БИНОЛАРИ УЧУН ТОЗА ЭНЕРГИЯ»

Ушбу лойиҳа яшил иқтисодиёт ва барқарор экология учун қанчалик аҳамиятли?

Бугун нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё минтақаси, балки дунёнинг кўплаб мамлакатлари иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини ўз бошидан кечирмоқда. Ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эрозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш глобал исишга, табиий офатлар кўпайишига олиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига катта зарар етказмоқда.

Яхшиямки, келгусида кутилаётган хавотирларнинг олдини олиш учун анча олдин саъй-ҳаракатлар бошланди. Хусусан, бундан уч йил аввал «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига старт берилганди. Шунингдек, қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришилди. Тошкент шаҳрида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилди. Бундан ташқари, давлатимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан айнан шу йўналишда қабул қилинган икки муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлди.

2023 йил 30 мартда Шавкат Мирзиёевнинг «Жаҳон банки иштирокидаги «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. У бугунги кунда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Лойиҳа Ўзбекистонда энергия сарфини кескин қисқартириш, атроф-муҳитга зарарли газлар ажралишини камайтириш ва қурилиш секторининг иқлим ўзгаришига чидамлилигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

2023-2028 йиллар мобайнида юртимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳанинг ижрочи органи Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Тармоқлараро энергияни тежаш жамғармаси ҳисобланади. Унинг доирасида ҳозирга қадар Қорақалпоғистон Республикасида 49, Тошкент вилоятида 44, Хоразм вилоятида 41, Жиззах вилоятида 49 та объектда экспресс энергия аудит ўтказилди ва 51 та объектнинг энергия аудит ҳисоботлари тасдиқланди. Жами 5 та лотдан иборат 31 та бино бўйича тендерлар эълон қилинди ҳамда йил якунига қадар яна 40 дан зиёд бино бўйича тендерлар эълон қилиниши кўзда тутилмоқда.

Лойиҳа ижтимоий соҳа объектларининг энергия самарадорлигини ошириш ва бинолар секторига тоза энергия инвестициялари учун норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлашга қаратилган. У орқали бутун мамлакат бўйлаб қишлоқ ва шаҳарларда жойлашган ижтимоий муассасаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича амалиётлар молиялаштирилади. Фаолияти объектларни танлаш, инвестиция даражасидаги энергия аудити, энергия тежамкор дизайн, техник назорат, қурилиш, ишга тушириш, ўлчаш ва текшириш, энергия хизмати бўйича шартномалар, салоҳиятни ошириш ва техник ёрдамни ўз ичига олади. Энергия самарадорлигини ошириш бўйича одатий чора-тадбирлар орқали бинонинг иситиш ва совитиш тизимлари замонавий технологиялар билан янгиланади.

Ҳаммамизга маълумки, 2025 йил «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» деб номланди. Ҳукумат йил номида белгиланган энг муҳим вазифалар бўйича давлат дастурини ишлаб чиқмоқда. Унда «яшил» технологияларни жорий этиш, сувни тежаш, кўкаламзор ҳудудларни кескин кўпайтириш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, чиқиндилар муаммосини ҳал қилиш, энг муҳими, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этиши муқаррар.

Қисқаси, «яшил» энергетика иқтисодиёт драйверларидан бирига айланмоқда. Унинг ривожланишига биз юқорида таърифини келтирган лойиҳа ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»

Маълумот ўрнида: *2022 йил 24 июнда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро ривожланиш уюшмаси директорлари кенгаши томонидан «Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия» лойиҳасини амалга ошириш учун 143 миллион АҚШ доллари миқдорида узоқ муддатли қарз маблағлари ажратиш юзасидан қарор қабул қилинган. Лойиҳа республиканинг барча ҳудудларида 2023-2028 йиллар мобайнида амалга оширилади. Бу даврда 800 дан зиёд ижтимоий соҳа объектининг энергия самарадорлиги модернизация ва реконструкция қилинади. Жумладан, дастлабки босқичда 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектида реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган.*

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази жамоаси ҳамда касаба уюшмаси марказнинг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўлими бош мутахассиси Фарида Ҳақбердиевага опаси

Муҳаббат ҲАҚБЕРДИЕВА

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси таҳририят ходимаси Шоира Юлдашевага падари бузруквори

Музрабжон ота ЮЛДАШЕВ

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi)*,
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»)*,
Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: S. Abdurahmonov

Musahhihlar: U. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 20:00
Topshirildi – 20:20

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 012 ta
Shundan:
7 130 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 083 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-1111

1 2 3 4 5 6